


631.6
0-468

ЎЗБЕКИСТОН СС
ШЕКСИЯ ВЭ ИЛМИЯ ВЕНАКЛИП
ТАРЖАТУВЧИ ИЛАКТИИ



1/67 67 39/1

Е. И. Озерский


ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒОРИШ ИШЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Е. И. ОЗЕРСКИЙ
ЖАМИЯТ АЪЗОСИ

631.6
0.468

ЎЗБЕКИСТОНДА
СУҒОРИШ
ИШЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ

1/6879/1



«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока»
ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти
Тошкент — 1959

р

КПСС XXI съезди тасдиқлаган «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959—1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари»да: «Ўзбекистон ССР бундан буён ҳам мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолади» ва унинг территориясида «ирригация қурилишлари кенг миқёсда авж олдирилади» дейилган.

Етти йилликнинг охирига бориб, 1958 йилга нисбатан пахта етиштириш 1,2—1,3 баравар кўпайтирилиши, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам талай миқдорда оширилиши белгиланган. Ана шу мақсадга эришмоқ ва айниқса пахта етиштиришни кўпайтирмоқ учун агротехника тадбирлари комплексини жорий этиш билан бир қаторда, колхозлар ва совхозларда пахта-беда алмашлаб экишни жорий этиш ҳамда ўзлаштириш, суғориладиган ерларни кенгайтириш ва мелиоратив жиҳатдан яхшилаш юзасидан ҳам кўп ишлар қилиниши кўзда тутилган.

КПСС XXI съездининг ўртоқ Н. С. Хрущевнинг тезислари ва докладини маъқуллаган резолюциясида ҳам етти йиллик мобайнида ҳар бир колхоз ва совхозда тўғри алмашлаб экишни жорий этиш ва пахтакор районларда суғориладиган ерларни кенгайтириш юзасидан қилинаётган ишларни давом эттириш зарурлиги таъкидланган.

Бу вазифаларни амалга оширмоқ учун республикада сув хўжалиги қурилиши ишлари кенг миқёсларда қизитиб юборилмоғи керак, бу ишлар йирик объектларда ҳам, шунингдек кичик, лекин самарали қурилишларда ҳам солиб борилади, бу эса экилиб келаётган ерларни мелиоратив жиҳатдан яхшилаш ҳамда қўриқ ва партов

ерларни ўзлаштириш ҳисобига 500 минг гектарча янги ерни экин майдонига айлантириш имкониятини беради.

Бу ишлар кўп сонли қурилиш ташкилотлари ва қурувчилар ҳамда фойдаланувчилардан иборат кўпчилик сув хўжалиги ходимларнинг куч-ғайрати билан, колхозчилар, совхоз, МТС ва РТС ишчилари иштирок этган ҳолда амалга оширилади.

Суғориш ишлари ўзбек халқининг жонажон иши бўлиб, бу иш Совет ҳокимияти йилларида, айниқса 1939 ва шундан кейинги йилларда жадал суръатлар билан амалга оширилган халқ қурилишлари давридан бошлаб ғоят кенг авж олиб кетди. Шу туфайли мавжуд суғориш тармоқларини яхшилаш ҳамда янгидан суғориш ишларини ривожлантириб юбориш юзасидан Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планида қўйилган вазифалар республика партия ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бошчилигида жуда кўп тажрибали коллективлар, шунингдек манфаатдор министрликлар ва бошқармалар иштирокида ҳал қилинади. Бу ишда Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги ва Қишлоқ хўжалик министрликлари, «Главгосводностепстрой», Қишлоқ қурилиши бош бошқармаси, шунингдек, уларнинг қурилиш трестлари ва бошқармалари бўлмиш «Ўзбекгидрострой», «Ферганводстрой», «Янгиерводстрой», «Мирзачулводстрой», «Ўзводстрой» ва бошқа шу каби ташкилотлар энг асосий роль ўйнашлари керак.

Ўзбекистон — асосан суғориладиган деҳқончилик республикаси дир ва бу ерда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда сув ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ўзбекистонда асосий қишлоқ хўжалик экинлари, даставвал пахта суғориладиган ерларда етиштирилади. Шу сабабли қадим замонлардан буён Ўрта Осиёда ва хусусан ҳозирги Ўзбекистон ССР территориясида суғориш ишлари жадал ривожлантирилиб келган.

Хоразмда, Қорақалпоғистонда, Фарғона, Зарафшон ва Сурхондарё водиларида қадимги моддий маданият юзасидан олиб борилган тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, бу жойларда икки минг йилдан ҳам аввалроқ ўтмиш замонларда суғориш каналлари ва бошқа гидро-техника иншоотлари мавжуд бўлган.

Уша замонлардан буён табиий-тарихий сабабларга кўра, суғориш ишлари бирмунча ўзгариб кетди. Осиё давлатларининг тузилиши ва емирилиши суғориш иш-

ларининг ўзгариб туришига айниқса катта таъсир кўрсатди. Тарихчи-археолог С. П. Толстов ўз асарларида бу ҳақда гоъта ишонарли қилиб ёзади.

Мавжуд суғориш тармоқларини сақлаш ҳамда янги суғориш ишларини ривожлантириш учун олиб борилган доимий кураш қадимдан буён сувни бошқариш санъатини ривожлантиришга, каналлар қуриш ва уларда ҳамда суғориш манбалари (дарёлар, сойлар) да гидроиншоотлар барпо этишга таъсир ўтказиб келди.

Халқ усталари — ирригаторлар ўз маҳоратларини ҳаминша ошира бориб, тажрибаларини авлоддан-авлодга бериб келдилар. Ўзбек халқининг сувчилик билан боғлиқ бўлган кўп асрлик меҳнати неча юз минг гектарлаб қўриқ ерларга сув келтирилишини таъминлади, ана шу ерларнинг кўп қисмида ҳозирги вақтда суғориладиган қишлоқ хўжалик экинлари, асосан, пахта экилмоқда.

Бироқ, ўтмиш замонлардаги техника қолақлиги ва ижтимоий-иқтисодий тузум ирригация қурилишларини ибтидоий усуллар билан олиб боришга сабаб бўлди.

Тош — шохдан ва шу каби бошқа нарсалардан оддий иншоотлар қуриш йўли билан суғориш манбаларидан каналларга сув чиқарилар эди. Бу иншоотлар эса сел ва тошқинлар натижасида ҳар доим бузилиб турар ва деҳқонларнинг оғир меҳнати билан яна тикланар эди. Шундай ҳолларда албатта экин майдонларига сув келмай қолиб, баъзан экинлар қуриб қолар, ҳалокатли оқибатлар юз берар эди, суғориш тармоқлари йирик ҳамда майда хусусий ер эгаларининг талабига мувофиқ тартибсиз равишда қуриларди. Кўпчилик каналлар сув тақсимотини тартибга солиб турувчи мустақкам иншоотларсиз бўлганидан, уларни сув уриб кетар ёки лойқа босиб қолар эди.

Коллектор-зовур тармоқлари жуда кам эди, бунинг натижасида ва сувдан тартибсиз фойдаланилиши оқибатида ерлар ботқоқланиб ҳамда шўрланиб кетар эди.

Сувдан фойдаланиш тартиби мулкдор синфлар манфаатига қаратилган бўлиб, сув ва ер бойликлари ҳам у ёки бу шаклда асосан мулкдорларга қарашли эди, улар меҳнаткаш қашшоқ деҳқонларни бемалол, чексиз эксплуатация қилиш ҳуқуқига эга эдилар.

Туркистон Россияга қўшиб олингандан кейин қуриш техникаси бирмунча ўсган даврда ҳам собиқ Россия империясининг ҳукумати Ўзбекистондаги мав-

жуд суғориш тармоқларини яхшилаш ҳамда суғориш ишларини янгидан ривожлантириш юзасидан кўзга кўринарли бирор иш қилмади. Чор амалдорлари Туркистонда ҳукмронлик қилган давр мобайнида бор-йўғи Мирзачўлда инженерлик типигаги атиги битта кичкина суғориш системаси қурилди, ҳозирги Ўзбекистоннинг бутун территориясида эса эски каналларда инженерлик типигаги ўнтача иншоот қурилди.

Чор амалдорлари, капиталистлар ва помещчиклардан иборат мустамлакачилар Туркистон ўлкасидан асосан, энг кам маблағ сарфлаб, кўпроқ фойда олишга ҳаракат қилдилар. Лекин, шу билан бирга Туркистоннинг Россияга — илғор кишилар ва ғоялар Россиясига қўшиб олинishi умуман прогрессив аҳамиятга эга бўлди.

Сувдан фойдаланишнинг эксплуататорлар манфаатига бўйсундирилган бўлса ҳам бирмунча оқилона қоидалари мустамлакачилик тартиби туфайли тез-тез бузилиб турди. Масалан, Зарафшон дарёси водисида ана шундай ҳол юз берган эди: бу жойларда қадим замонларда дарё суви кам бўлиши сабабли одатда шоли экиш ман этилган эди. Бошқа қишлоқ хўжалик экинлари суғориш манбаларига нисбатан шундай жойлаштирилар эдики, бунинг натижасида энг қимматли ва кўп нам талаб қиладиган экинлар дарёнинг юқори қирғоқларида ҳамда каналларнинг бош участкаларида экилар эди. Бу ерлар, одатда мулкдор — эксплуататор синфларга қарар эди. Иккинчи даражали ва шартли суғориладиган ерларда ўсадиган экинлар эса дарёлар ва каналларнинг этагига экилар эди. Бу экинлар эса, асосан, аҳолининг камбағал қатламларига тегишли эди.

Бундан ташқари Зарафшон водисининг аҳолиси қандай экинларни қанча экишни ҳар йили дарёнинг сувига қараб белгилар эди. Сув кам бўлган йилларда намни кам талаб қиладиган экинлар экишга ҳаракат қилишар, сув сероб бўлган йилларда эса экин майдонларини кенгайтирар эдилар.

Сувни сероб ёки кам бўлишини кўп йиллик халқ тажрибаси билан олдиндан тахмин қилинар, шунингдек кўпинча сувнинг сероб бўлиши дарёларда кўкламги оқимга қараб белгиланар эди.

Суви етарли бўлмаган, сув тақсимоти яхши уюштирилмаган суғориш системалари мавжуд бўлган даврда

аҳоли ана шундай йўллар билан сувдан фойдаланар эди.

Бу тартиб чор амалдорлари хўжайинлик қила бошлаган дастлабки йиллардаёқ бузилди, бунинг натижасида қишлоқ хўжалигига жиддий зарар етказилди. Қисман Зарафшон дарёси водисининг юқори қисмларида, чор маъмуриятига қарашли районларда шоли экиш узлуксиз кенгайтирилиб, 47 минг десятинага етказилди. Бу эса Бухоро амирлигига қарашли ерларга сув берилишини кескин қисқартирди ҳамда сув кам бўлган йилларда дарёнинг қуйи этакларидаги экинларнинг чапқоқликдан қуриб қолишига сабаб бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси собиқ Россия империясидаги халқларни феодализм қолдиқларидан, ривожланиб келаётган капитализмдан, миллий низолардан, кишини киши эксплуатация қилишидан ва ер-сув факторидан ҳам ана шу мақсадларда фойдаланилишидан абадий озод қилди.

Ерни, унинг бойликлари, ўрмон-дарахтзорлари ҳамда сувлари билан бирга национализация қилиш ҳақидаги тарихий Декрет Ўзбекистондаги ер-сув муносабатлари шароитида сув тақсимоти устидан бўлган ҳукмронликни феодаллар қўлидан меҳнаткаш деҳқонлар қўлига олиб бериш бўлди. Бу эса Ўзбекистонда суғориш ишларини янада ривожлантириш учун янги, кенг имкониятлар туғдириб берди.

Улуғ Ленин суғориш ишларини ривожлантиришни социализм қурилишининг моддий базаси яратиш деб билган эди. В. И. Ленин 1921 йилнинг апрелида Кавказдаги совет республикалари коммунистларига юборган мактубида шундай маслаҳат берган эди: «Деҳқонларнинг аҳволини яхшилашга дарҳол ҳаракат қилиш ҳамда электрлаштириш, суғориш юзасидан катта ишларни бошлаб юбориш керак. Суғориш ишлари ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ керак ва у ўлкани ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ қайта қуради, уни янгидан ўстиради, ўтмишни дафн этади, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди».

В. И. Лениннинг бу кўрсатмалари Ўзбекистонда суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга асос бўлди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида граждандлар урушининг харобачилик ва очарчилик йилларида Коммунистик партия ҳамда ёш Совет давлати озодликка

чиққан Ўрта Осиё халқларига ўз суғориладиган деҳқончилигини ривожлантиришида кўмаклаша бошладилар.

В. И. Ленин 1918 йил 17 майда Халқ Комиссарлари Советининг «Туркистондаги суғориш ишлари ҳамда бу ишларни уюштиришга 50 миллион сўм маблағ ажратиш ҳақида»ги Декретини имзолади. Ана шу Декретда қуйидаги вазифалар энг муҳим тадбирлар қилиб қўйилган эди:

— Мирзачўлда 500 минг десятина ерга сув чиқариш ва Далварзин чўлида 40 минг десятина майдонда ирригация системасининг бош иншоотларини қуриш;

— Фарғона областининг Учқўрғон даштида 10 минг десятина ерга сув чиқариш ва 20 минг десятина майдонда сувдан фойдаланишни тартибга солиш;

— Дарёда оқаётган сувнинг оқишини тартибга солиш йўли билан 100 минг десятина майдонни пахтазор ва бошқа экин майдонларига айлантириш учун Зарафшон дарёсида сув омбори қуриш.

Бироқ, бошланиб кетган гражданлар уруши ҳамда босмачилик йиллари бу программанинг амалга оширилишини тўхтатиб қўйди ва ҳатто бир қанча суғориш каналлари ва улардаги иншоотларнинг вайрон қилишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида экин майдонлари кескин камайиб ва суғориладиган экинлар айниқса пахта ҳосилдорлиги пасайиб кетди.


Гражданлар уруши тамом бўлгандан кейингина суғориладиган деҳқончилик ва унинг асосий соҳаси — пахтачилик В. И. Ленин чизиб берган программа асосида қайта тиклана бошлади.

Бу ишлар 1924 йилда миллий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тuzилганидан кейин анча ривожланиб кетди.

1925 — 1927 йилларда Ўзбекистон ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Бунинг натижасида ердан фойдаланишдаги феодал-крепостнойлик муносабатларининг қолдиқлари битирилди.

Ер-сувга помешчик-бойларнинг хўжайинлик қилиши битирилиши ҳисобига 50 минг хўжалиқдан кўпроқ камбағал деҳқонни ерли қилиш учун фонд яратилди.

Тикланиш даври (1925 — 1927 йиллар)да суғориладиган ерлар фондини кўпайтириш ва бу ерларнинг сув билан таъминланишини яхшилаш учун кўплаб йирик иншоотлар ва каналлар қурилди. Жумладан:



Амударёдан каналга кетадиган сувни тартибга солиб турувчи Бош Тошсоққа иншооти.

— Тошкент областида — Юмолоқтепа, Жўн-Салор, Анҳор — Калкавуз иншоотлари, Янги Жўн канали суғориш системаси;

— Фарғона водисиди — Исфара, Сўх, Исфайрамсой. Шоҳимардон дарёларидаги, Андижонсой ва Улуғнор каналларидаги суғориш системаларини қайта қуриш ишлари бажарилди, Янгиариқ суғориш системаси ва Розенбах канали (ҳозирги Шимолий Фарғона канали) қайта қурилди.

— Зарафшон водисиди — Оқ — Қорадарё сув тақсими иншооти қайта қурилди ва Дарғом каналининг Шовдар, Боғишамол, Ертешар ариқлари бошидаги иншоотлар, шунингдек Таллиғулон, Эскитуя-тортар каналидаги ва бошқа бир қанча иншоотлар капитал ремонтдан чиқарилди.

Қамбағал деҳқонларга бериш учун қўшимча равишда суғориладиган ер фонди вужудга келтириш мақсадида ўша йилларда Ўзбекистонда 70 минг гектардан кўпроқ ерга сув чиқарилди.

Шу давр мобайнида ўзбек халқининг сув хўжалиги соҳасиди амалга оширган катта ишлари ҳамда партия ва ҳукумат томонидан унга кўрсатилган жуда катта моддий-техника ёрдамлари илгари сув келтирилган 300 минг гектардан кўпроқ ерни 1928 йилдаёқ қишлоқ хўжалиги оборотига қайтариш имконини берди.

Дастлабки беш йилликлар мобайнида Ўзбекистонда ВКП(б) Марказий Комитетининг 1929 йил 18 июлдаги тарихий қарорида («Главхлопком иши ҳақида») кўзда тутилган талай ҳажмдаги ирригация ишлари бажарилди.

Биринчи ва иккинчи беш йилликлар мобайнида Ўзбекистонда янги йирик суғориш системалари ва иншоотлари қурилди. Бу эса, асосан, янги пахтачилик совхозлари ташкил этиш учун талайгина қўриқ ерлар майдонини ўзлаштириш имконини берди.

Чирчиқ дарёси ёқасидаги Сўл Чирчиқ коллектори, Далварзин даштига сув келтириш, Мирзачўлда суғориш ишларини кучайтириш, Қуйи Хон ирригация системасини қайта қуриш, Учқўрғон даштига сув келтириш ва уни ўзлаштириш, Совой даштига сув келтириш, Ангор, Пой, Норпой, Шоҳруд каналларини қайта қуриш ва Зарафшон дарёсидан бошланган Янги Дарғом канали билан, бирга I-Май тўғонини, Фарғона водисидидаги Қорадарёда

Кампирровот тўғонини қуриш, Қумқўрғон даштига сув келтириш ана шу объектларнинг энг йириклари бўлди.

Бу объектлардан ташқари республика ҳамма районларида майда ирригация қурилишлари кенг ривожлантирилди.

1928 — 1938 йилларда ирригация қурилишларини ва мавжуд суғориш тармоқларидан фойдаланиш тадбирларини амалга ошириш йўли билан Ўзбекистонда суғориладиган ерлар майдони яна 320 минг гектар кенгайтирилди.

Биринчи беш йилликда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида коллективлаштириш бошланди.

Колхозларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришдаги асосий ишлар механизациялаштирилиши ва далаларда тракторлар пайдо бўлиши суғориш участкаларини машиналашган коллектив хўжалик талабларига мослаштириб, яхлитлаштиришни талаб қилар эди.

Колхозлар хўжалигининг мустақамланиши ва колхозчиларнинг сиёсий онглилиги ўсиши асосида 1939—1940 йилларда Ўзбекистонда ирригация қурилишлари айниқса кенг қулоч ёзди, сув учун, янги ерларни ўзлаштириш учун, республика социалистик қишлоқ хўжалигини янгидан юксалтириш учун умумхалқ ҳаракати кенг тус олди. Фарғоналик колхозчиларнинг ташаббуси билан сув хўжалиги ишларини уюштиришнинг янги шакли — халқ усули билан жадал суратда қуриш шакли туғилдики, Сталин номидаги Катта Фарғона канали бу ҳаракатнинг самарасидир.

Мислсиз қисқа муддат — 45 кун ичида ана шу халқ қурилишида 17 миллион кубометрдан кўпроқ тупроқ қазиб чиқарилди.

Катта Фарғона канали қурувчиларининг қаҳрамонона меҳнати барча колхозчиларни сув учун, қўриқ ва партов ерларни ўзлаштириш, пахтачиликни янада юксалтириш учун улар олиб борган курашда илҳомлантирувчи ибрат бўлиб хизмат қилди.

Катта Фарғона каналининг қурилиши бутун ўзбек халқининг ижодий активлигини ошириб юборди. Республиканинг барча областларида каналлар ва гидротехника иншоотлари қурилиши лойиҳалаштирилди ва бу лойиҳалар амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг барча иқтисодий районларида урушдан олдинги йилларда халқ усули билан энг йирик суғо-

риш каналлари барпо этилди. Тошкент канали, Катта Зарафшон канали, Шимолий ҳамда Жанубий Фарғона каналлари, Хоразмда Тошсоққа канали, Қорақалпоғистон АССРда Ленин номли канал ва бошқа бир қанча каналлар халқ усули билан қурилди.

Зарафшонда Каттақўрғон сув омбори ва Фарғона водисидagi Косонсой дарёсида Уртатўқай сув омбори қурила бошланди.

1939 — 1940 йиллар давомида ирригация қурилишларининг энг йирик объектларидагина 62 миллион кубометр ер ишлари ва 153 минг кубометр бетон ишлари бажарилди. Ана шу янги суғориш каналларининг ҳаммаси республикада суғориладиган деҳқончиликни янада юксак поғонага кўтариш имконини берди.


Ўзбекистондаги халқ ирригация қурилиши тажрибасини Урта Осиё ва Закавказьедаги қардош республикалар ҳам қўллана бошладилар. Шу йиллар давомида суғориладиган деҳқончиликни бирмунча кенгайтириш имкониятини берган кўпгина ажойиб гидротехника иншоотлари ва каналлар қурилди.

Фашистлар Германиясининг 1941 йилда Совет Иттифоқига қўққисдан ҳужум қилиши Ўзбекистондаги кўпчилик йирик каналлар қурилишини тўхтатиб қўйди. Аммо, асосан, армияни ва шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун янги ерларни ўзлаштириш зарур бўлганлиги сабабли Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам айрим объектларда (Юқори ва Шимолий Тошкент каналлари, Душанба — Қоратоғ каналида) ирригация қурилишлари давом эттирилди. Уша даврда сув хўжалиги органларининг асосий вазифаси суғориш системасини техника жиҳатидан дуруст ҳолда сақлашдан иборат бўлиб қолди.

Сув хўжалиги қурилиши Улуғ Ватан уруши тамом бўлгандан кейин янада ривожлана бошлади.

Партия ва ҳукуматнинг республикамизга кўрсатган жуда катта моддий ёрдами туфайли Зарафшон водисида Каттақўрғон сув омбори ва Фарғона водисида Уртатўқай сув омбори қуриб битказилди, Сўх дарёсида Сарикўрғон ўзели қурилди, Охунбобоев номидаги канал қайта қурилди.

Урушдан кейинги йилларда сув хўжалиги қурилишларига бир ярим миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди ва суғориладиган ерлар тобора кўпаймоқда. Ўзбекис-



Андижон области. Катта Фарғона каналнинг кўрinishи.

тонда суғориладиган ерлар майдони 1913 йилдагига нисбатан 800 минг гектардан кўпроқ кенгайди.

Янги каналлар ва иншоотлар қуриш билан бир қаторда Ўзбекистон ССР сув хўжалигида суғориш системаларидан фойдаланишни яхшилаш соҳасида ҳам жуда кўп ишлар қилинди.

Ўзбекистон ССРда суғориш системасининг барча тармоқларида сувдан планли суратда фойдаланилмоқда, сувдан фойдаланиш гидрометр тармоқлари тузилди, ҳамма жойда экинни эгатлар олиб суғоришдан иборат прогрессив усулга ўтилди, эски суғориш тармоқларини техника жиҳатдан қайта қуриш соҳасида катта ишлар қилинди. Мелиорация тадбирлари кенг миқёсда амалга оширилиши натижасида ботқоқликлар деярли битирилди, аҳолининг безгак билан касалланишига барҳам берилди, ерларни шўр босиши камайтирилди.

Қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштириш шароитини яхшилаш, суғориладиган ерлардан янада кўпроқ фойдаланиш ва фўзани узунасига ҳамда кўндалангига парвариш қилишни жорий этиш мақсадида республикада 1950 йилдан бошлаб суғоришнинг янги системасига ўтиш ҳамда суғориш карталарини яхлитлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Суғориш каналларини лойқа босиб қолмаслиги учун ҳам катта ишлар қилинмоқда. Каналлардан сув оқишига халақит етказувчи қумлоқларни битириш қўл меҳнати шароитида ҳар йили неча миллионлаб меҳнат кунлари сарфлашни талаб қилар эди. Бу мушкул ишчи осон қилмоқ учун каналларни тозалаш ишлари йил сайин кўплаб механизациялаштирилмоқда. Суғориш тармоқларидаги кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни ҳамда бу тармоқлардан фойдаланишни механизациялаштириш учун кейинги йилларда Ўзбекистон юзлаб экскаваторлар, бульдозерлар, скреперлар ва бошқа техника олди.

Республика 25 та машина-экскаватор станцияси ташкил этилди, бу станцияларда ер қазийдиган йирик техника воситалари — экскаваторлар, землесослар, бульдозерлар, скреперлар ва бошқа машиналар мавжуддир.

Ҳар йили суғориш тармоқларини механизмлар ёрдами билан тозалашда 50 миллион кубометрдан ортиқ ер ишлари бажарилади, бунинг натижасида республика

колхоз ва совхозларида миллионлаб ишчи кучлари каналларни тозалаш ишларидан озод қилинади.

Сувдан фойдаланишда маълум тартиб вужудга келтирилди. Қишлоқ хўжалик экинларини суғоришнинг рационал ва илмий жиҳатидан асосланган усулларига ўтилиши сувдан анча тежаб-тергаб, яхшироқ фойдаланишга ёрдам бермоқда.

Областлар, районлар, гидротехника участкалари, колхозлар ва совхозларга сувни планли суратда бериб туриш устидан доимий контроллик қилиб борилади, бу контроллик Сув хўжалиги министрлигининг эксплуатация бўлими орқали диспетчеризация асосида ҳамда мукамал учёт-ўлчов тармоқлари орқали амалга оширилади. Суғориш тармоқларида автоматика ва телемеханика ҳам жорий қилина бошлаяпти.

Республика сув хўжалигининг ҳозирги босқичи икки ярим миллион гектарга яқин суғориладиган ер майдонига эга бўлиб, йирик давлат корхонаси тусини олган.

Кўп тармоқли сув хўжалигининг барча бўғинларида малакали кадрлар ишлаб турибди, бу кадрлар Совет ҳокимияти йилларида республикамиздаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари Тошкент институти, шунингдек ССР Иттифоқидаги бошқа олий ўқув юртларида тайёрлаб чиқарилган. Сув хўжалиги органларида ишлаб турган ўрта ва олий маълумотли мутахассис ўзбеклар сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти, Пахтачилик илмий-тешкириш институти, шунингдек, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик фанлари академияси қарамоғидаги бошқа илмий-текшириш муассасалари сув хўжалигининг барча тармоқларида кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Республикадаги мавжуд ана шу кучларнинг ҳаммаси етти йиллик планда қўйилган вазифаларни амалга оширишга сафарбар этилмоғи керак.

Республикамизда суғориш ишларини ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Унинг ер-сув ресурслари битмас-туганмасдир ва улардан ҳали тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Буни қуйидаги тахминий рақамлар кўрсатиб турибди (минг гектар ҳисобида):

Ҳавзалар, ирригация районлари	Сугориш- га яроқ- ли май- дон	Сугорил- ган май- дон	Сугориш мумкин бўлган майдон- лар	
			биринчи навбатда	истиқ- болда

Сирдарё ҳавзаси

Фарғона водиси	930	690	860	930
Мирзачўл	380	120	380	380
Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси	400	290	390	400
Ж а м и	1710	1100	1630	1710

Амударё ҳавзаси

Юқори оқим (Сурхон, Қоратоғ дарёлари) . . .	470	100	180	250
Ўрта оқим (Аму-Бухоро ка- нали-АБК)	1200	130	300	1200
Шу жумладан Қарши чўл- ларида машина билан су- ғориладиган ерлар . . .	200	—	—	200
Қуйи оқим	1800	250	440	960
Шу жумладан ЎзССР . .	300	140	190	220
Қ-қалпоқ АССР	1500	150	250	740
Ж а м и .	3470	520	920	2410

Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзалари

Зарафшон ва Санзор дар- ёлари (АБКдан юқорида)	1020	330	470	540
Қашқадарё дарёси	1280	50	230	250
Ж а м и .	2300	380	700	790

Шу билан бирга энг қулай суғориш объектларини танлаш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу объектлар техникавий ва иқтисодий жиҳатдан ҳар тарафлама асосланган ҳолда республика халқ хўжалигини ривожлантириш планига киритилмоғи лозим.

Лойиҳалаш жараёнида, суғориш ишларини ривожлантириш ва алмашлаб экиш натижасида пахта ва бош-

қа экинлар майдонини кенгайтириш юзасидан кўп таклифлар киритилди.

Шунингдек, мавжуд суғориладиган экин майдонларини сув билан таъминлашни ҳамда уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан ҳам кўпгина қурилиш объектлари ва бу масалани ҳал этиш вариантлари бор.

Ана шу таклифлар ҳамда конкрет объектлардан яхши лойиҳалар билан таъминланган, иқтисодий ва техникавий жиҳатдан етарли даражада асосланган энг самарали ҳамда ҳаётий зарурлари танлаб олинмоқда.


Бу вазифа республикадаги сув хўжалиги ҳамда планлаштириш органларининг энг муҳим, биринчи навбатдаги ишларидандир. Бу ишни шундай ҳал қилмоқ керакки, бунинг натижасида ҳозирги етти йилликда сув хўжалиги қурилиши ана шу мақсад учун ажратиладиган маблағдан тўғри фойдаланган ҳолда, эскидан экин экиб келинаётган ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда янги ўзлаштириладиган ерларни кенгайтириш йўли билан республикада пахта етиштиришни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшин.

Янги ерларни ўзлаштириш объектларини танлашда бу ерларнинг ўзлаштирувчилар билан нақадар таъмин этилганлиги ва уларни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш даражаси қанчалик мураккаблиги ҳам катта роль ўйнайдди. Кўпинча, суғориш ишлари унчалик қиммат бўлмаса ҳам, ерларнинг ўзлаштирилиши, бу иш айниқса жуда кўп кишиларни кўчириб келтириш билан боғлиқ бўлган тақдирда, ниҳоят даражада мураккаб тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Шу билан бирга баъзан шундай ҳам бўладики, аҳоли яшайдиган зонада ёки унинг яқинида суғориладиган ерларни кўпайтириш пайдан бўлиб, қимматга тушадиган қийин, кўп ҳолларда самарасиз тадбирларни амалга ошириб бўлса ҳамки, сув хўжалиги объектлари қуриш белгиланади.

Шу сабабли янги суғориш ишларини амалга ошириш ва мавжуд тармоқлар ишини яхшилаш соҳасидаги объектларнинг қанчалик фойдали бўлишини аниқлашга ҳар тарафлама ёндошиш фоят қийин иш бўлиб, бу, техникавий ва иқтисодий жиҳатдан яхши асосланган ҳисоб-китоблар бўлишини талаб қилади.

Шу билан бирга у ёки бу объектнинг иқтисодий жиҳатдан тежамли бўлишига, дастлаб, унга сарф қилина-



диган куч ва маблағлар қиммати билангина эмас, балки мазкур объектни сақлаш ва ундан фойдаланиш учун кейинчалик сарфланадиган маблағ ва кучлар қиммати билан ҳам баҳо берилиши керак.

Кўпинча шундай бўладикки, объектнинг қурилиш қиммати кўп бўлмаса ҳам, лекин уни сақлаш ва эксплуатация қилиш учун бўладиган ҳар йилги сарфлар шу қадар ошиб кетадигани, бу, дастлабки қарашда арзонга тушадигандай бўлиб кўринган фикрнинг аҳамиятини йўққа чиқариб юборади.

Сув хўжалиги қурилиши объектларининг қанчалик самарали бўлиши давлат республиканинг умумдават манфаатлари нуқтаи назардан таҳлил қилинмоғи зарур, токи бу мақсад учун ажратилган маблағлар кўп-лаб бошқа объектларга чочилиб кетмасин, энг муҳим тадбирларга мақсадга мувофиқ сарфлансин. Шундай қилингандагина бу иш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, биринчи галда пахта етиштиришни кўпайтиришда тез ва яхши самаралар бериши мумкин.


Шу билан бирга бу ишда областлар ҳамда конкрет районларнинг, уларда яшайдиган аҳолининг, айниқса иқтисодий жиҳатдан заиф районлар, колхозлар ва совхозларнинг манфаатлари мумкин қадар кўпроқ кўзда тутилмоғи лозим.

Бироқ, баъзи ҳолларда айрим районлар ва ҳатто областларнинг талаблари бу талабларни амалга оширишнинг реал имкониятлари билан боғланмайди. Бу, шунинг орқасида юз берадигани, мазкур талаблар бошқа объектларга нисбатан етарли даражада самарали бўлмайди, шунингдек лойиҳалар тегишли даражада ишлаб чиқилмайди ёки ишлаб чиқариш имкониятлари йўқ бўлади.

Қурилиш ишларини янада ривожлантириш ва мавжуд суғориш тармоқларини яхшилаш ишлари плани ана шу юқорида айтилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб тузилмоқда.

Республика сув хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планига сув хўжалиги қурилишининг қайси объектлари киритилади? Ерларни сув билан таъминлаш ва уларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилашда қандай йўллар тutilади?

Ўзбекистон ССРда етти йилликда 491 минг гектар янги ва қўриқ ерларни ўзлаштириш белгиланган. Суғо-



Андижон области. Шахрихонсой канали.

риладиган ерларнинг шунчалик кенгайтирилишини таъминлаш, даставвал, ана шу ерлар зонасида сув етарли бўлган манбалардан каналлар чиқариш ҳамда шу етти йилликда қурилиши мўлжалланган сув омборлари ёрдами билан дарёлардаги сув оқимини тартибга солиш йўли билан қўшимча равишда сув ресурсларига эга бўлиш ҳисобига амалга оширилиши керак.

Партов ерларнинг кўп қисмида аллақачон суғориш тармоқлар қурилган бўлиб, бу тармоқлар кўпинча фақат ремонт қилиб ва тозалаб туришни талаб қилса, янги ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш учун суғориш каналлари қурилиши зарур.

Ерларни, айниқса янгидан ўзлаштириладиган ерларни текислаш учун жуда кўп ишлар қилиниши зарур.

Ерларни суғориш ишлари билан бир вақтда кўп ҳолларда бу ерларнинг захини қочириш ёки суғориш вақтида ботқоқланиб кетмаслигига қарши кўп ишларни бажариш керак.

Гап шундаки, суғоришга қадар мелниоратив ҳолати яхши, яъни ерости суви пастки қатламларда бўлган ерлар суғорилгандан кейин ботқоқланиб кетади, борди-ю ерости сувлари шўр бўлса, устини шўр босади.

Бу эса ўша ерларнинг ҳосилдорлигини кескин даражада камайтириб юборади, халқ хўжалигига зарар етказади. Ерости сувлари кўп ҳолларда шунинг орқасида юзага урадики, суғориш каналлари сувни кўп шимади ва ана шу шимилган сувлар ер остига кириб, ундаги сувларга қўшилади.

Бундан ташқари ерости сувлари экинларни суғориш учун сувни ортиқ даражада сарфлаш орқасида ҳам кўпаядики, бундай ҳолга қарши кун сайин кураш олиб бормоқ лозим.

Каналларда сувнинг ерга шимилиб кетишини канал таги ва қирғоқ деворларини мустаҳкамлаш йўли билан бирмунча қисқартириш мумкин бўлади. Бу иш кўпинча бетонлаштириш орқали қилинади. Шунингдек бу ишда асфальт ва бошқа материаллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Канал қирғоқлари ва тагини зичлаш иши махсус шиббаловчи машиналар билан бажарилади. Бу эса тупроқни сув ўтказмайдиган даражада анча мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари канал тагини босиб қоладиган лойқаларни шиббалаш йўли билан ҳам сувнинг ерга шими-

либ кетишини қисқартириш мумкин. Кўп каналлар табиий йўл билан шундай қилинади. Лекин бу иш бажариладиган каналларда сувнинг лойқалиги етарли бўлмаса, бундай ҳолда сув сунъий йўл билан лойқалантирилиб, иш жараёни тезлаштирилади.

Бундай тадбирлар сув хўжалиги ишлари планида шунинг учун ҳам кўзда тутиладики, ўшандай қилинганда каналларга қўйиладиган сув тежалиши билан бирга суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш яхшиланади.

Каналларда сувнинг ерга шимилиб кетишига қарши кўрилган катта тадбирлар натижасида, баъзи ойларда жуда кўп сув тежаб қолинади ва бу сув билан қўшимча ер майдонларини суғориш мумкин бўлади.

Етти йиллик планда ерости сувлари ҳисобига суғориш ишларини кучайтириш масаласига ҳам анча эътибор берилади, бу эса янги ва тегишли шароитда прогрессив тадбирдир. Гидрогеология шароити қулай бўлган районларда ерга тик кириб кетадиган зовурлар қазиниш татбиқ этиш ҳам прогрессив тадбир ҳисобланади ва бу иш электр энергияси билан таъминланган тақдирда муваффақиятли чиқиши мумкин.

Тикка зовурлар пармалаш қудуқлари системасидан иборат бўлиб, улардан махсус насослар орқали ер остидаги сув мелиорация эҳтиёжига зарур бўлган чуқурликка қадар чиқариб олинади. Сув билан бирга тупроқ аралашиб чиқиб кетмаслиги учун бу пармаланган қудуқлар атрофи шағал ҳамда қумдан иборат махсус филтёр билан ўскуналанади.

Сув хўжалиги ишлари соҳасида белгиланадиган тадбирларнинг моҳияти нимадан иборат?

Бу ишлардан мақсад — сув етишмаётган майдонларни сув билан таъминлаш ва ернинг устки ҳамда остки қатламларидан сув ортиқча бўлган жойларда бу сувни чиқариб юборишдан иборатдир.

Далаларга эҳиёжга яраша сув етказиб бермоқ учун даставвал, бу сув манбаини топмоқ керак. Бундай манба эса, асосан, дарёлардир. Баъзан дарёда ҳам маълум даврларда суғориш учун сув етарли бўлмайди, бошқа айрим вақтларда эса сув ҳаддан ташқари кўпайиб кетиб, уни сув омборлари қуриш йўли билан тартибга солиб туриш керак бўлади. Ана шу сув омборларидан экинлар учун керакли вақтда сув олиб турилади.

Суғориш тармоқларида сувнинг ерга шимилиб кетишини қисқартириш ҳисобига ҳам қўшимча сув ресурсларини ошириш мумкин.

Кейинги вақтларда ерости сувларини пармалаш йўли билан ўз-ўзидан чиқариш, шунингдек шахта қудуқлари қуриш ва ҳатто сувнинг сунъий ёки табиий йўл билан чиқиши орқали ҳам экинларни сув билан таъминлаш ҳақида таклифлар киритилмоқда ва қисман амалга оширилмоқда.

Суғориш техникасини яхшилаш, айниқса далаларда ихчам ёки қаттиқ трубопроводлардан фойдаланишдан иборат илғор усулларни қўлланиш, шунингдек ёмғир ёғдирадиган машиналардан фойдаланиш йўли билан ҳам сув таъминотини яхшилаш соҳасида анча фойдали натижаларга эришиш мумкин.


Мавжуд суғориш тармоқларини яхшилаш ва янги суғориш тармоқлари қуриш йўли билан сув таъминотини яхшилаш соҳасидаги имкониятлар ана шулардан иборатдир.

Бироқ, вазифанинг иккинчи қисми — суғориш манбаларидан сув олиш ва уни далаларга олиб келтириш иши ҳам жиддий масаладир. Бунинг учун дарёларда кўтарма дамбалар ва магистраль каналларда сувни тартибга солиб турувчи иншоотлар (гидроузеллар) қуриш керак бўлади.

Фақат сувни тартибга солиб турувчи иншоотлар ёрдами билан сув олиш анча қийин ишдир. Бунда асосий қийинчилик шундан иборатки, қумлоқдан анча тозаланган сувни олиш талаб қилинади, бунинг учун ҳар сафар махсус мосламалар лойиҳалаштирилиб, сувни тартибга солиб турувчи иншооти бўлган тўғонларнинг тегишли конструкцияларидан фойдаланилади. Бу эса ана шу иншоотларни қуришни кўпинча қийинлаштириб, қимматлаштириб юборади, лекин каналларни тез лойқа босиб кетишдан сақлайди ҳамда суғориш тармоқларини тозалаш ҳажмини бирмунча камайтиради.

Суғориладиган ерлар сув манбаига нисбатан юқори бўлган ҳолларда эса сув машина билан чиқарилади. Бунда сув дарёдан тўғон ва сувни тартибга солувчи иншоотлар қўрмасдан, насос станциялари орқали олинади.

Экин майдонларига сув олиб келадиган магистраль ҳамда тақсимловчи каналлар ҳам жиддий ва кўп ҳолларда жуда муҳим иншоотлар ҳисобланади. Бу канал-



Фаргона области. Сухсой дарёсидаги Сарикўрғон узели.

ларда ҳам кўп миқдорда иншоотлар мавжуддир. Шу билан бирга суғорилаётган далаларнинг ўзида ҳам уларни текислаш соҳасида жуда кўп ишлар бажарилмоғи зарур, чунки бусиз суғоришни тўғри ўтказиш, сувни тежаб сарфлаш, ҳамма ерни текис намлатиш мумкин бўлмайди. Бу иш ерни текисламасдан туриб, шўрини яхши кетказиш мумкин бўлмайдиган шўрхок ерларда айниқса аҳамиятга эгадир.

Бошқа агротехника тадбирлари учун ҳам, айниқса ғўзани квадрат-уялаб жойлаштиришда далаларни текислашнинг аҳамияти катта.

Сув омборларига дарёлардаги сувнинг оқиб киришини тартибга солиш тупроқ, тош, бетон ёки темир-бетондан баланд тўғонлар қуришни талаб этади. Бу тўғонлар сувнинг дамига бардош берадиган ҳамда ҳалокатли ҳолларда сувни чиқариб юборадиган мустаҳкам иншоотлар билан ускуналанган бўлиши керак.

Бундай иншоотлар лойиҳаловчи ва қурувчилар учун энг мураккаб ва жуда масъулиятли вазифа бўлиб, уларни махсус техникавий назорат остида қуриш ҳамда эксплуатация қилиш лозим.

Суғориш тармоқларида сувнинг йўқолишини қисқартириш ҳисобига қўшимча сув олиш учун кураш, асосан, каналларнинг масофасини ҳамда сўнини қисқартириш ҳамда сувнинг ерга шимилиб кетишига қарши тадбирларни амалга оширишдан иборатдир. Бунга суғориш тармоқларини, айниқса қадимги тармоқларини инженерлик йўли билан қайта қуриш орқали эришиш мумкин.

Шунингдек, сувнинг ерга шимилиб кетишига қарши кураш чораларидан яна бири каналларнинг таги ва қирғоқларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу — канал таги ва қирғоқларини бетон билан ва бошқа воситалар билан мустаҳкамлаш, тупроқнинг ўзини шиббалаш ва кимёвий усулда ишлаш демакдир.

Ерларнинг захини қочириш ва ерости сувларини камайтириш ҳам — мураккаб иш. Бунинг учун, асосан, очиқ зовурлар қазилади. Бу зовурлар коллекторларга уланади. Коллекторлар эса сув чиқиб кетадиган йирик канал-коллекторларга ёки бевосита сув тўпланадиган бошқа жойларга кетади.

Зовур тармоқларининг қалинлиги ва уларнинг чуқурлиги ернинг гидрогеология шароитига, мавжуд сув миқ-

дорига ҳамда тупроқнинг сув ўтказиш хусусиятига қараб белгиланади.

Бундай коллектор-зовур тармоқлари кўпгина камчиликлардан ҳам ҳоли бўлмайди. Аввало бундай коллектор-зовурларни қозиш ва ундан самарали фойдаланиш ер шароитига, унинг текис-нотекислигига, зовур қазилаётган ернинг этагида сув тўплайдиган жой бўлишига боғлиқдир.

Камроқ қия бўлган жойларда зах қочириш каналлари катта бўлиб қолади ва уларда сув секин оқаيدиган бўлади, бу эса баъзан зовур-коллекторларни самарасиз қилиб қўяди. Сув тўплайдиган жойнинг бўлмаслиги ҳам кўп панд беради ва баъзан зах қочириш тармоқларини қатъий лойиҳалаштириш имкониятини бермайди.

Бундан ташқари очиқ зах қочириш тармоқларини ўт ва қамиш босиб кетади, уларда лойқа туриб қолади ва бунинг натижасида сув оқиши сусаяди. Буни тозалаш учун ҳар йили жуда кўп меҳнат ва маблағ сарфланади.

Ана шу каби нуқсонлардан қутилмоқ учун ёпиқ зовурлардан фойдаланилади, яъни каналлар ўрнига ерга қувурлар кўмилади. Бу қувурларга махсус тешиклар ёки қувурлар орасидаги ёриқлар орқали ерости сувни шимилиб ўтиб, сув тўпланадиган жойга оқиб кетади.

Махсус йўллар билан қувурлар лойқаланиб қолишдан сақланади. Бундай усул Боёвут районидаги «Фарҳод» совхозида 1958 йилда янги ўзлаштирилган ерларда қўлланилди.

Бу хилдаги зовурларнинг хусусияти уларнинг ниҳоят даражада қиммат туриши ҳамда мураккаблигидадир, уларнинг ҳам сув сирқиб кетадиган қисмини лой босиб, ифлосланиб қолиши мумкин. Лекин ҳозирги вақтда янада яхшироқ ёпиқ зовурлар қуриш ва бу ишни машиналаштиришга эришмоқ учун катта ишлар қилинмоқда.

Тикка зовурлардан ерости сувлари бутунлай бошқа принципда чиқарилади. Бунда қудуқлар қазилади, бу қудуқлар атрофида тешиклари бўлган ҳамда унинг теvaraгида сувни сирқитиб чиқарувчи жойлари бўлган қувурлар билан ускуналанади. Қудуқлардан сувни насос билан дам бериб чиқарилади. Қудуқларнинг чуқурлиги ва қалинлиги гидрогеология шароитига қараб белгиланади. Чуқур қудуқларга механика ёки электрлаштирилган катта насослар ўрнатилади. Бундай зовурлар

Мирзачўлда қурилган бўлиб, ишлаб чиқариш тажрибасида синаб кўрилмоқда.

Тикка зовурларнинг хусусияти шундаки, уларни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш қимматга тушади, бунинг учун доимий энергия манбаига эга бўлиш зарур ҳамда бу усулни тупроғи майда, захкаш ерларда қўлланиш имконияти ҳали пухта ўрганилмаган, ҳолбуки Ўзбекистонда мелиоратив жиҳатидан ноқулай бўлган бундай ерлар анчагина бор. Гап шундаки, тупроғи майда, захкаш ерлар қудуқларнинг кўзини тез беркитиб қўйиши ва бу билан уни ишдан чиқариши мумкин.

Мутлақо табиийдирки, сув хўжалиги қурилиши учун зарур ҳолларда ҳар хил бошқа ёрдамчи иншоотлар, саноат корхоналари, энергия манбалари, базалари, турар жойлар ҳам қурилмоғи керак. Йирик қурилишларни тегишли тайёргарлик кўрмасдан туриб муваффақиятли тугаллаш мумкин эмас.


Йирик сув хўжалиги қурилишлари билан бир қаторда ҳар бир область, район, кўлхоз ва совхознинг ички ер-сув резервларини аниқлаш юзасидан ҳам тегишли иш олиб борилиши керак. Бунинг натижасида ҳам талай миқдорда суғориладиган ерларни ўзлаштириш ва бу ерларда қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш мумкин бўлади. Бу тадбир жуда самарали ва тамомила реалдир. 1958 йилда суғориладиган ерларни кенгайтириш плани республикада ана шу ҳисобга қарийб икки баравар ошириб бажарилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Юқорида айтиб ўтилган хусусиятлар ва тадбирларнинг техникавий-иқтисодий жиҳатдан таҳлил этилиши асосида сув хўжалиги қурилишининг яқин етти йил ичида мўлжалланган плани ишлаб чиқарилди. Бу план энг муҳим суғориш объектлари, областлар ва зоналар бўйича олинганда, қуйидагилардан иборатдир:

Тошкент области

Бу областда сув хўжалиги қурилишининг энг йирик объекти Мирзачўлдаги қўриқ ерларга сув келтириш ва уларни ўзлаштириш, шунингдек бу зонадаги суғориладиган ҳамда экиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан иборатдир.

Утган йилларда Сирдарёда Фарҳод ҳамда Қайроққум гидроэнергетика узеллари қурилди. Мирзачўлда су-



Қорақалпоғистон АССР. Канални тозалаш ва кенгайтиришда
ишләтгән «Сормовец» землесосларни.

ғориш ишларини яна ривожлантириб юбғоришга асос солинган эди.

Фарход тўғони гидроэлектростанция учун сув босмини ва керакли миқдордаги сувни таъминлаб бериш билан бирга, Мирзачўлдаги катта каналлар орқали бутун Мирзачўл ерларини суғориш учун зарур миқдордаги сувни олиш имкониятини вужудга келтирди. Қайроққум гидроэнергоузели эса 4 миллиард кубометрга яқин сув тўпланадиган сув ўмбори яратиш имконини берди, бунинг натижасида дарёда сув камайиб қолган кезларда сув омборидан керакли миқдорда сув олиш ва Мирзачўл даштидаги суғориладиган ер майдонларини зарур вақтда сув билан таъминлаб туриш мумкин бўлди.

Ана шу мақсадда 1958 йилда Сирдарёнинг Қозоғистон территориясида 5 миллиард кубометрдан кўпроқ ҳажмда сув сиғадиган сув омбори қурила бошлади.

Ҳозирги вақтда Киров номидаги Шимолий Мирзачўл каналига Фарход ГЭСдан сув олинмоқда. Бу сув гидростанцияни сув чиқарадиган каналидан олинади.

Мирзачўлда суғориш ишларини ривожлантирмоқ учун ана шу канални кенгайтиришдан ташқари Фарход гидроузелидан яна иккита магистраль канал — Марказий Мирзачўл канали ҳамда Жанубий Мирзачўл канали чиқариш белгиланади.

Бироқ, техникавий-иқтисодий таҳлил натижасида ана шу иккита канал ўрнига битта — Жанубий Мирзачўл каналини барпо этиш мақсадга мувофиқроқ эканлиги аниқланди, канал трассаси анча баланд бўлади ва бу канал орқали Шимолий Мирзачўл канали зонасидан ташқари, Мирзачўлда ўзлаштирилиши мўлжалланган ҳамма ерни суғориш мумкин бўлади.

Бундай қилишнинг сабаблардан яна бири — қурилиш ишларининг соддалаштириш ва арзонга тушириш, ишлаб чиқариш воситаларини сочиб юбормаслик ҳақидаги мулоҳазалардир. Бу каналнинг яхши жиҳати шуки, у Тошкент темир йўли ва Катта Ўзбек тракти бўйлаб ўтади. Натижада қурилишга материаллар ва механизмлар келтириш, канал қурилишига бошқа хизматлар кўрсатиш қулай бўлади. Марказий каналнинг трассаси эса чўл орқали ўтиши мўлжалланган, бу ерда йўл йўқ, моддий-техника таъминоти ва хизмат кўрсатиш шароитлари ноқулай эди.

Жанубий Мирзачўл канали секундига 300 кубометр-га қадар сув ўтказадиган қилиб мўлжалланган, бунинг учун каналнинг эни унинг бош қисмида тагида 18 метр, устида эса 70 метрга яқин, сувнинг чуқурлиги 7 метр бўлиши керак. Бу каналдан шимол томонга қараб Мирзачўлнинг Қозогистон ерларидаги қисмини суғормоқ учун сув тақсимлайдиган каналлар ҳамда сувни ташлаб юборадиган катта қулоқлар қурилади. Бу қулоқлар айни вақтда сел келган пайтларда ишлатилади.

1960 йилдан кейин қуриладиган Жанубий канал ҳамда унинг суғориш тармоқларидан ташқари насос станциялари орқали машиналар билан ер суғорадиган иккита канал қурилишини тугаллаш, шунингдек, Шимолий Мирзачўл каналининг ўнг шоҳобчаси бўйлаб ҳамда Мирзачўл дашти мавжуд суғориш зонасининг бошқа жойларида суғориш ишларини ривожлантириш кўзда тутилган. Ана шу объектлар ҳисобига 1959 йилда экиш учун 9 минг гектардан кўпроқ, 1960 йилга бориб эса яна 10 минг гектаргача ерни тайёрлаш белгиланган. Тошкент, Самарқанд областлари, шунингдек Қозогистон ССР территориясида ҳаммаси бўлиб Мирзачўлнинг 380 минг гектар ери ўзлаштирилиши керак.

Ўтган йилларда Мирзачўлда олиб борилган суғориш ишлари тажрибаси шунини кўрсатдики, коллектор-зовурлар қурилиши ёки ерни мелиоратив жиҳатдан яхши сақламоқ учун бошқа тадбирлар олдиндан амалга оширилмас экан, бу зонадаги ерлар ботқоқланиб ва шўрхокланиб кетиши мумкин. Шу сабабли Мирзачўлнинг янгидан сув келтириладиган ерларида зовурлар қурилиши юзасидан катта ишлар қилиниши белгиланмоқда. Хозирча очиқ зовурлар, шу билан бирга баъзи жойларда ёпиқ зовурлар қурилиши лойиҳалаштирилган, шунингдек тикка зовурларни қўлланиш юзасидан ишлаб чиқариш тажрибаси ўтказиш қизитиб юборилди ва бу иш давом эттирилади.

Бундан ташқари суғориш вақтида ерости сувларининг юзага кўтарилишига қарши тадбирлар кўриш белгиланган. Бунинг учун суғориш тармоқларида сувнинг ерга шимилиб кетишига қарши чоралар, эгатлаб суғориш техникаси учун яхши шароит яратиш ҳамда қувурлар, пухта шланглар ва ёмғир машиналари ёрдами билан суғориш соҳасида ишлаб чиқариш тажрибаларини кенг амалга ошириш лойиҳалаштирилмоқда.

Бу ишлар биринчи галда 1959 йилда «Фарҳод» совхозида 4 минг гектарга яқин майдонда тажриба қилиб кўрилмоқда. Бу тажриба натижаси қурилиш жараёнида лойиҳаларни яхшилаш ва илгари қабул қилинган қарорларга тегишли тузатишлар киритиш имконини бермоқда.

Мирзачўлда янгидан сув келтириш ишларини амалга ошириш билан бир қаторда мавжуд суғориш тармоқлари зонасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўли билан ҳосилдорликни ошириш учун кураш ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу ишлар мавжуд коллектор-зовур тармоқларини чуқурлаштириш, янги коллектор-зовурлар қазиш, ердаги ортиқча сувларни чиқариб юбориш ва сув кам жойларда ерости сувларни етарли ғамлаш орқали амалга оширилади. Шунингдек зовурлар қазишнинг янги усуллари ва қисман тикка зовурлар қазиш усули қўлланилади.

Ана шу зоналарда биринчи навбатдаги мелиоратив ишлар коллектор-зовурлардан оқиб чиқадиган сувларни тўплайдиган трактлар тайёрлашдан иборатдир. Шундай қилинмаса, мавжуд каналларни чуқурлаштириш ва янги каналлар қазиш иши самара бермаслиги мумкин.

Марказий Мирзачўл коллектори қурилишини, шунингдек «Шўрўзак» коллектори ва бошқа йирик коллекторларни лойиҳаланган ҳажмларда қуриб битказиш сира кечиктириб бўлмайдиган ишдир.

Ана шу ишларнинг мураккаблигини ҳамда узоқ вақтга чўзилишини ҳисобга олиб, йирик коллекторлар қурилишини тўла тугаллагунча ҳамда уларни лойиҳада белгиланган ҳажмда чуқурлаштиргунча кичик коллектор ва зовурлардаги ерости сувларини вақтли насос станциялари ёрдами билан мазкур коллекторларга чиқариб юбориш мўлжалланмоқда. Бу эса ерларнинг мелиоратив ҳолатини анча қисқа муддатларда яхшилаш учун қўшимча имконият беради.

Мирзачўлда сув хўжалиги қурилиши билан бир қаторда янги совхозлар тузиш ҳамда мавжуд совхозларни тубдан яхшилаш учун турар жой ҳамда ишлаб чиқариш қурилишлари кенг авж олдирилмоқда. Бу қурилишлар совхозларнинг ишчиларига нормал маданий-маиший шароит яратиб беришни ва совхозлар хўжалигидаги

ишлаб чиқариш жараёнларини барча зарур бинолар ва ускуналар билан таъминлашни кўзда тутган ҳолда комплекс суратда амалга оширилмоқда. Бу ерда сизот сувлардан фойдаланиш ҳисобига хўжаликларни сув билан таъминланаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак бу эса экинлар суғорилмайдиган даврда саноат эҳтиёжи ва маиший эҳтиёжлар учун суғориш тармоқлари орқали сув оқизмаслик, бу билан сувнинг ерга шимилиб кетишини камайтириш ва ерости сувларини озайтириш имконини беради.

Мирзачўлда сув хўжалиги объектлари ва совхозлар қурилиши билан бир вақтда кенг миқёсда ёрдамчи хўжалик қурилишлари, чунончи обод автомобиль йўллари, Сирдарё — Жиззах темир йўли, электропередача линияси ва электр подстанциялари, турар жой, қурилиш буюмлари ва материаллари (темир-бетон, силикальцит ва ҳоказо) тайёрлаш заводлари, ремонт-механика заводлари ва мастерскойлари, сув таъминоти, ремонт базалари ва бошқа шу каби қурилишлар давом эттирилмоқда.

Мирзачўл қурилишларининг саноат объектлари асосан Янги ер шаҳрида, Мирзачўлда, Бекобод ва Жиззахда жойлашади.

Мирзачўлда зарур механизмлар ва бошқа қурилиш базалари билан таъминланган йирик «Главголодностепстрой» қурилиш ташкилоти тузилган, Мирзачўлни ўзлаштириш юзасидан қилинадиган барча ишлар ана шу ташкилот орқали амалга оширилади. Ташкилот малакали кадрлар билан мустаҳкамланган ва бу кадрлар Мирзачўлни ўзлаштириш ва уни сув билан таъминлаш соҳасидаги ишларни тамомила уддалай олади.

Тошкент областида суғориш ишлари кучайтириладиган иккинчи зона ҳам бор. Бу Чирчиқ — Оҳангарон ҳавзасидир.

Оҳангарон дарёсида 200 миллион кубометрга қадар сув сиғадиган Туябўғиз сув омбори қурилиши 1960 йилда тугалланади. Бу ерда дарёни тўсувчи 34 метр баландликдаги тўғон қурилади. Тўғоннинг усти сув уриб кетмаслиги учун темир-бетон билан шувалади. Тўғонда сув энг кўп тўпланганда ҳам бардош берадиган қулоқ, шунингдек, аҳвол танг бўлган пайтларда сувни чиқариб юборадиган узеллар бўлади.

Бу сув омбори Оҳангарон дарёсидан суғориладиган

ерларни сув билан тўла таъминлаш ва Чирчиқнинг чап қирғоғидаги ерлардан 22,5 минг гектарини ўзлаштириш имконини беради.

Ана шу мақсадда Тошкент канали қайта қурилади ва кенгайтирилади, бунинг натижасида янги ерларга сув чиқарилади ва ана шу ерларда ҳам зарур суғориш тармоқлари, зовурлар қазилади. Етти йиллик мобайнида бу зонада суғориладиган ер майдони 20 минг гектар кўпайиши керак.

Мазкур объектлар билан бирга Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғи бўйларида ана шу дарё суви ҳисобига 17 минг гектарча ерни сув билан таъминлаш, бу зонадаги юза бўлган чучук, ерости сувларидан фойдаланиш кўзда тутилади.

Тошкент области бўйича етти йиллик давомида ҳаммаси бўлиб, 40 минг гектарга яқин партов ерларга сув чиқарилади.

Областда йирик объектлар билан бир қаторда эски суғориш тармоқларини қайта қуриш ва мавжуд суғориш тармоқларида коллектор-зовур тармоқларини ривожлантириш кўзда тутилади.

Пискент районидаги «Ёрдам» каналини бетонлаштириш мўлжалланмоқда. Шунингдек Пискент районидаги Таначи-Бўка, Оҳангарон районидаги Хўжабаланд каналларида ҳамда Пискент, Оҳангарон, Бўка, Янгийўл, Чиноз ва Октябрь районларидаги хўжаликлараро майда суғориш тармоқларида сувнинг ерга шимилиб кетишига қарши тегишли тадбирлар амалга оширилади.

Бекобод районидаги коллектор-зовур тармоқларини, шунингдек Уртукли коллекторини, Пискент районидаги Гежиген коллекторини, областнинг мелиоратив жиҳатидан аҳволи яхши бўлмаган бошқа районларидаги хўжаликлараро коллекторлар тармоғини қайта қуриш назарда тутилади. Шу билан бирга Бекобод ва Чирчиқ районларида ёпиқ зовурлар қурилиши белгиланган.

Далварзин каналининг ўнг ёқасидаги Жўн каналини, Ҳасяс, Жайрон, Ҳамдон, Невил, Бекобод каналларини қайта қуриш, шунингдек, майда суғориш тармоқларини яхшилаш юзасидан айрим иншоотларни қуриш ишлари амалга оширилади.


Оҳангарон дарёсидаги Шарҳия ва Хўжабаланд каналлари учун сув чиқарадиган узеллар қурилиши мўлжалланган.

Фарғона водиси

Маълумки, бу водида учта область жойлашган бўлиб, айрим сув хўжалик объектлари областлараро аҳамиятга эгадир ва бу ҳақда алоҳида айтиб ўтиш зарур.

Шундай аҳамиятга эга бўлган асосий объект Марказий Фарғонага сув келтириш ишларини ривожлантириш ҳамда шу мақсадда Катта Фарғона каналини қайта қуришдан иборатдир. Бу объектдаги ишлар етти йилликнинг охирига қадар 150 минг гектарга яқин майдонни ўзлаштиришга қаратилиши лозим. Бу ерлар Фарғона, Наманган ва Андижон областларининг колхозлари, совхозлари томонидан ўзлаштирилади.

Марказий Фарғона ерларига сув келтириш ва уларни ўзлаштириш ишлари Мирзачўлдаги сингари кенг миқёсда уюштирилади. Бироқ бу объектнинг муҳим фарқи шундаки, бу ердаги асосий ишларни колхозлар ўзларининг бўлинмас фондлари ҳисобидан маблағ ажратиш йўли билан бажарадилар. «Ферганаводстрой» қурилиш трести эса фақат сув хўжалиги ҳамда ўзининг ёрдамчи хўжалик қурилишлари билан шуғулланади, янги ерларни ўзлаштириш юзасидан бўладиган бошқа ишлар эса манфаатдор министрликлар ва идоралар томонидан амалга оширилади.



Зарафшон дарёсидаги Биринчи май тўғони.

Марказий Фарғона ерлари Катта Фарғона канали ва қисман Охунбобоев номидаги каналдан бошланувчи каналлар орқали сугорилади.

Ерлар шўрланиб кетиши ҳамда ер ости сувларининг юзага уриши муносабати билан Марказий Фарғонада кенг шахобчали, ҳозирча очиқ типда бўлган коллектор-зовур тармоқлари қурилиши кўзда тутилади. Бу ерда қилинадиган ишларнинг кўп қисми ерларни текислашдан иборатдир.

Марказий Фарғонада ўзлаштириладиган янги ерларни сув билан таъминламоқ учун Катта Фарғона канали кенгайтирилиб ва қайта қурилиб, унинг сув оқими секундига 175 минг кубометрга етказилади.

Шунингдек, Катта Фарғона каналининг юқори томонларида экин майдонларини доимий зарур миқдордаги сув билан таъминлаш учун Норин дарёсида сув дамланадиган узеллар қурилиши мўлжалланади. Катта Фарғона каналини кенгайтириш юзасидан унинг юқори ва ўрта қисмларида 1958—1959 йилларда бирмунча ишлар қилинди.

Шунингдек Фарғона ва Андижон областларида экин майдонларини сув билан таъминлаш мақсадида ҳамда Андижон области территориясида насос орқали сугориш ишларини ривожлантириш имкониятига эга бўлмоқ учун Жанубий Фарғона каналини қайта қуриш ва кенгайтириш ишлари амалга оширилади.

Фарғона области

Областда Марказий Фарғона ерларида ҳамда Катта Фарғона каналида қилинадиган ишлардан ташқари Сўх дарёсидаги Қўқон сув узелини қуриб битказиш, мавжуд каналларда сувнинг ерга сирқишига қарши тадбирларни (масалан, «Қизил Ўзбекистон» каналида) амалга ошириш, ер ости сувларини пармалаб, юзага чиқариш йўли билан Қўқон районлар группасида экинларни сугориш учун қўшимча сув олиш ва айни вақтда шу йўл билан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш кўзда тутилади.

Бундан ташқари Катта Фарғона каналидан сув ичаётган зонадан юқори турувчи ерларни сойлар суви ҳисобига сугоришни яхшилаш мақсадида Қўрғонтепа, Оқпиллол ва бошқа сув омборлари қурилади.

Областда шунингдек Повулғон массивида 600 гектар, Сотган массивида 200 гектар, Орсиф массивида 1900 гектар ерни машинада суғориш мўлжалланади. Етти йилликда Фарғона областида ҳаммаси бўлиб 60 минг гектар янги ер ўзлаштирилади.

Мавжуд суғориш системаларини қайта қуриш ва яхшилаш соҳасида катта ишларни қилиш кўзда тутилади. Бу ишлардан энг йириклари қуйидагилардир:

Исфара дарёсидан сув оладиган Киров районидаги магистрал каналларни қайта қуриш; Ровот сув узелини ва Исфарадаги сел пайтида фойдаланиладиган ташламани қуриш, Катта Фарғона каналидан Сирдарёга сув ташлайдиган Паттор иншоотини қуриш, Ўзбекистон, Ленинград ва Бағдод районларида кўкламда сув келтириладиган системаларни жиҳозлаш; Сўх дарёсидан Сирдарёга ва Бешариқсойга сув ташлайдиган иншоотни қайта қуриш, ана шу сойда сув узелларини қуриб битказиш ва ҳоказо.

Фарғона областларидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун сизот сувларнинг кўтарилишига қарши кураш тадбирларини кўриш, Киров районининг ғарби-шимолий, шарқи-шимолий ва марказий қисмларида, Яйпан — Қудаш массивида, Горск районининг шарқи-шимолий ва ғарби-шимолий зоналарида, Навбоғ, Хонобод, Қаримбобо, Қайроғон, Лангар массивларида эса сизот сувларнинг пасглаб кетишига йўл қўймаслик тадбирларини кўриш мўлжалланади, шунингдек Бувайда коллектори қурилади, Сарисув, Шуроққўл ва бошқа коллекторлар қайта қурилади, тажриба тариқасида ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун тикка ҳамда ёпиқ горизонтал зовурлар қуриш белгиланади.

Наманган области

Областда Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш йўли билан суғориладиган ер майдонларини кенгайтиришдан ташқари насосда сув чиқариб экин суғориш ривожлантирилади.

Шунингдек Поп районида Чодак ва Чуст районида Говасой сув омборлари қурилади, Уртатўқай сув омборининг тўғони кўтарилиб, сув омборларига 150 миллион кубометр сув сиғадиган қилинади. Ана шулар натижаси-

да етти йилликда Наманган областида суғориладиган ерлар майдони қўшимча салкам 30 минг гектар қўпаяди.

Чортоқсой этаклирида, Тўрақўрғон районидаги «Сталинград» колхозида ва бошқа жойларда Шимолий Фарғона каналидан насос билан сув чиқариб экин суғориш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Чортоқсой этагидаги насос станциясининг иккинчи поғонаси ва Задарё районида «Мингбулоқ» насос станцияси қурилади. Қўқимбой массивида насосда суғориш ишлари ривожлантирилади, Янгиқўрғон ва Чуст районларидаги ерлар артезиан қудуқларидан сув ичадиган бўлади.

Катта Фарғона каналининг бош қисмида Норин дарёсига катта тўғон қурилади. Қўқимбой айланма канали, Юқори Шимолий Фарғона канали қурилади, Тешиктош канали қайта қурилади. Чуст каналига ва бошқа каналларга бетон ётқизилади ва ҳоказо.

Кўп миқдорда мелиорация ишлари ҳам бажарилади. Тошқинга қарши кураш учун Наманган сойининг ва Норин районидаги Янги каналнинг қирғоқлари мустаҳкамланади.

Андижон области

Наманган ва Фарғона областлари сингари Андижон области ҳам Марказий Фарғонани ўзлаштиришда иштирок қилмоқда. Марказий Фарғонани ўзлаштириш мазкур области учун суғориладиган ерларни кенгайтиришнинг асосий манбаидир. Шу билан бирга каналлардан сув ичадиган зонадан юқорироқ жойлашган ер массивларини суғориш учун сув чиқариб бериб турадиган бир нечта насос станцияси қуриш мўлжалланмоқда. Бу насос станциялари асосан Жанубий Фарғона каналидан сув оладиган бўлади. Бироқ, каналдан сув олиниши, уни кенгайтиргунча шу каналдан сув ичаётган ерларнинг сув билан таъминланишини камайтиради. Айни маҳалда ЖФКнинг кенгайтирилиши канал зонасидаги ерларнинг сув билан таъминлашини яхшилаш ва бу ерларни кенгайтириш вазифасини тўла равишда ҳал этмайди. Бунинг сабаби шуки, ЖФК ёзнинг биринчи ярмида серсув ва иккинчи ярмида камсув бўлиб қоладиган Қорадарёдан сув олади.

Бинобарин Қорадарёдан сув ичаётган ва сув ичиши мумкин бўлган ерларни тўла таъминламоқ учун сув

омбори қуриш йўли билан дарё оқимини тартибга солиб туриш зарур. Шу тариқа дарёда сув кўп бўлган вақтда уни йиғиб олиб, сув камайган вақтда тарқатиб туриш мумкин. Мана шу мақсадда 960 миллион кубометр сув сиғадиган ва 79 метр баландликда тош тўғонга эга бўладиган Кампир Ровот сув омборини қуриш лойиҳалаштирилган. Ана шу сув омборининг қурилиши бундан ташқари Қорадарёнинг тошқин суви ҳар йили экинзорларни ва ҳатто аҳоли яшайдиган пунктларни уриб кетишини тўхтатади, шунингдек айни вақтда йирик гидроэлектростанция қуриш учун шарт-шароит яратади.

Қорадарёда Сталин номли каналга сувни нормал етказиб бериб турадиган Тешиктош гидроузели ҳам қуриб битказилиши керак.

Қорадарёда ва бошқа сув манбаларида бетига темир бетон шпор қоплаш йўли билан тош ва тупроқ ётқизиб қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари катта ҳажмда олиб борилмоқда ва олиб борилади.

Булардан ташқари областда коллектор-зовур тармоқларини яхшилаш ва ривожлантириш ҳамда суғориш системаларини аста-секин яхшилаш ишлари давом эттирилади. Жумладан, Сегоза узели ва Ленин районида сув тиндиргич, Дардак каналида бош иншоот, Ойим районидаги Қорабош — Ёвуқсой ташламасида гидроузел қурилади ва ҳоказо. Совоёй ва Хила каналлари реконструкция қилинади ҳамда Сталин номли канал кенгайтирилади. Қолгандарё қирғоқларини ва Избоскан районидаги Карл Маркс номли колхоздаги ботқоқликларни қуритиш ишлари амалга оширилади. Москва ва Андижон районларида ёпиқ зовурлар қуриш мўлжалланмоқда. Майлисой системасидаги Қўйқулоқ каналига бетон ётқизиш кўзда тутилган.

Андижон областида қуйидаги объектларда машинада сув чиқариб ер суғоришни ривожлантириш кўзда тутилган: Марҳамат районида Маданият массивининг иккинчи навбати, Полвонтошдаги лалмикор ерлар ва Туямўйин ерлари, Андижон районида Аччиғой массиви, Ленин районида Кўчган массиви. Андижон областида етти йилликда ҳаммаси бўлиб 30 минг гектардан кўпроқ янги ер ўзлаштирилади.

Областда колхозлар ичидаги суғориш шохобчаларини, хусусан Пахтаобод ва Избоскан районларида қайта қуриш юзасидан катта ишлар қилиш мўлжалланади.

Зарафшон водиси

Фарғона водисигади сингари бу водада ҳам Зарафшондан сув ичадиган икки область — Самарқанд ва Бухоро учун аҳамиятли бўлган сув хўжалиғи объектлари бор.

Суғориш учун сувнинг етишмаётганлиги Зарафшон водисига асосий проблемадир. Бу — суғориладиган ер майдонларини кенгайтиришга тўсқинлик қилибгина қолмай, шу билан бирга пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишга ҳам халақит бермоқда. Сув кам бўлган йиллар бир ёқда турсин, ҳатто дарёнинг суви ўрта миёна бўлган йилларда ҳам ерлар сув билан етарли таъминланмаётир.

Сув таъминотини яхшилаш ҳамда суғориладиган ерлар майдонини 60 минг гектар кенгайтириш мақсадида салкам 670 миллион кубометр сув сиғадиган Каттақўрғон сув омбори, унинг кетидан эса Бухоро областида салкам 230 миллион кубометрли ҳажмдаги Қуйимозор сув омбори қурилган эди.

Сув таъминотини янада яхшилаш ҳамда 15 минг гектарга яқин янги ерни ўзлаштириш мақсадида Аму — Қоракўл каналини қуришга киришилди. Бу канал насос станцияси ёрдами билан Амударёдан сув олиб, уни Қоракўл воҳасининг тепа қисмидаги ерларга секундига 50 кубометрга етказиб бериб туради.

Бундан ташқари Каттақўрғон сув омборининг тўғонини баландлаштириш ва сув келтирувчи канални кўл сув сиғадиган қилиш йўли билан бу сув омборининг сифими кенгайтирилади.

Шуни айтиш зарурки, Зарафшон водисига Бухоро областининг территориясида ҳам, шунингдек Самарқанд области территориясида ҳам, суғориш шохобчасига эга бўлган салкам 100 минг гектар партов ер бор. Бу ерлар насосан сувга муҳтож холос, уларни ўзлаштириш учун кўп чиқим талаб қилинмайди. Шу сабабли Зарафшон дарёсига қўшимча сув келтириш йўлини астойдил қидирмоқ керак.

Амударёдан ёки Сирдарёдан сув олиш бу проблеманинг узил-кесил ҳал этилишини таъминлайди. Лойиҳа материалларига кўра, каналлар қазилган ёки табиий газда ишлайдиган кучли насос станциялари қуриш йўли билан буни амалга ошириш мумкин. Амударёдан

Бухорога қарата Қалиф ёки Аму — Бухоро деб аталувчи салкам 500 километр масофадаги канални қуриш бу вазифани ҳал қилишнинг пухтароқ вариантыдир.

Самарқанд области

Юқорида айтиб ўтилган областлараро объектлардан ташқари мазкур областда мавжуд сув хўжалигини яхшилаш юзасидан катта ишлар қилинади. Биринчи Май тўғонини ва Дарғом сув йўлини реконструкция қилиш энг йирик объектлардандир. Шу орқали Қашқадарёга борадиган Эски Ангор каналига ҳамда Дарғом йўлида қурилган ва қурилаётган гидростанциялар каскадига қўшимча сув етказиб бериш мумкин бўлади.

Бундан ташқари «Норпой» каналининг бош иншоотини яқинда қурилган Дамхўжа гидроузелига улаш ишлари бажарилади. Бу узелдан Норпой канали ҳамда Каттақўрғон сув омборининг сув олиб борадиган каналдан ташқари Хўжахатирчи канали ҳам сув олиши керак. Хўжахатирчи канали Хатирчи ва қисман Қорадарё ҳамда Иштихон районларида сув бошини бирлаштириш ва тартибга солиш учун қурилади. Ана шу районлар ҳозирги вақтда Зарафшондан сувни ибтидоий усуллар билан қурилган иншоотлар ёрдамида олмоқда.

Зарафшон дарёсидан инженерлик типидagi сув олиш иншоотларини қуриб битказиш учун Самарқанд областида — Зарафшон Қорадарё ва Оқдарёга бўлиниб кетадиган жойда Оқ—Қорадарё сув олувчи гидроузели қурилади. Бу узел айна вақтда ҳар икки дарёга сувни тартибли равишда тақсимлаб бериб туради.

Зарафшон дарёсини Амударё ёки Сирдарё суви билан тўлдириш масаласи ҳал қилингандан кейин Оқ — Қорадарё гидроузелидан Қашқадарёга қарата канал чиқарилади.

Жиззах районида сув таъминотини яхшилаш ҳамда суғориладиган ерларни 5 минг гектар кенгайтириш учун Санзор дарёсида сув омбори қурилиши мўлжалланади. Шунингдек сизот сувларни қудуқлар ва скважиналардан насос билан чиқариш йўли билан Зарафшон дарёси бўйларида қўшимча сув олиш планлаштирилган. Ургут районида «Янги» ва «Эски туятортар» каналлари реконструкция қилиниб, уларнинг иши яхшиланади. Санзор дарёсида ҳамда Ангор ва «Эски туятортар»



Янги-Дарғом канали.

каналларида сувнинг ерга шимилишига қарши тадбирлар кўриш мўлжалланади.

Бухоро области

Юқорида айтиб ўтилган областлараро объектлардан ташқари Бухоро областида коллектор-зовур шохобчаларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш, шунингдек бу шохобчалардаги сувларни қабул қилиб оладиган иншоотлар вужудга келтириш соҳасида катта ишлар қилинади.

Ана шу мақсадда Қуйимозор сув омборидан чиқадиган каналга параллель қилиб қурилаётган коллектор, Денгизкўл ташламаси, Шимолий коллекторнинг давоми қуриб битказилади, Шимолий Шафрикон коллектори қурилади. Ёпиқ горизонтал зовур қуриш мўлжалланади. Шунингдек Маханқул ва Тойқир — Сарибозор сув узеллари ҳам қурилади. Бухоро ҳавзасининг иқори қисмидаги каналлар сув оладиган бош иншоотларни тартибга солиш учун Кармана ва Тошробот сув узеллари қурилиши керак.

Гидрогеология ва топография шароитларига кўра, Бухоро ҳавзаси территориясидан сизот сувлари табиий

ва сунъий усулда чиқариб юбориш қийин бўлиб қолганлигини ҳисобга олиб, бу ерда тикка зовурлар учун қудуқлар қуришни кенг миқёсда амалга ошириш мўлжалланган. Ана шу қудуқлар ерларга қўшимча сув бериш учун ҳам хизмат қилади.

Суғориш шохобчаларини реконструкция қилиш соҳасида ҳам катта ишлар қилинади ва жумладан Жўйзор, Хайрибод, Овгир, Пирмаст, Ромитон, Зайдоний, Қолқонруд, Илач, Қумака, Қуми-касоба каналлари ҳамда Вобкентдарё системаси қайта қурилади.

Бундан ташқари Вобкент районидаги Жўйзор ва Чорбанир каналларида сувнинг ерга шимилишига қарши тадбирлар амалга оширилади.

Қашқадарё области

Бу область Ўзбекистоннинг энг камсувли области бўлиб, ундаги иқлим шароитлари, ер ва одам ресурслари суғориладиган деҳқончиликни, хусусан пахтачиликни жадал ривожлантириш имконини беради. Бинобарин, мана шу областга қўшимча сув етказиб бериш асосий ва энг муҳим вазифадир. Бу тадбир яна шунинг учун ҳам жуда самарали бўладики, Қашқадарёда суғориш шохобчаси бўлган, лекин сув келтирилса, ўзлаштириш учун кўп чиқим талаб қилмайдиган партов ерлар кўп (100 минг гектардан ошади).

Ҳозирги вақтда Қашқадарё оқимини Чимқўрғон сув омбори ёрдами билан ҳамда Зарафшондан Эски Ангорга сув ўтказиб, бу дарёнинг сув билан таъминланишини яхшилаш чоралари кўрилмоқда ва кўрилаверади.

Кўклам пайтларида Қашқадарёнинг суви керагидан ортиқча бўлади, ана шу сув, сув омборида тўпланиб, ёзда — сув камайиб қолган вақтларда суғориш шохобчаларига тарқатилади.

Чимқўрғон сув омборини қуриш асосан 1960 йилда тугалланади. Унга 500 миллион кубометр сув сиғади ва унинг 33 метр баландликдаги тупроқ тўғони бўлади. Ҳозирги вақтда Эски Ангор канали орқали Зарафшондан Қашқадарёга секундига 20 кубометрга етказиб сув бериб турилмоқда. Келгусида буни 50 кубометрга етказиш керак.

Зарафшон дарёсида сув етишмай қолган вақтларда Эски Ангорга сув ўтказиш қийинлашиб қолишини айтиб

ўтиш зарур. Бундан ташқари Эски Ангор канали бошланадиган Дарғом сув йўлини қайта қуриш талаб қилинади. Ана шу тадбирлар ҳисобига Қашқадарё области суғориладиган ерлар майдонини 30—40 минг гектар кенгайтириш имконини олади.

Бироқ, Қашқадарё областида суғоришни янада ривожлантириш вазифаси ёхуд насос станциялари, ёхуд Амударёнинг сувини Зарафшонга олиб, ундан Қашқадарёга олиш ҳисобига ҳал этилиши керак.

Областда йирик объектлар билан бир қаторда кичик сув омборлари ҳам қурилади.

Сурхондарё области

Бу областда ҳам Сурхондарё кўкламда ортиқча сувга эга бўлиб, ёзда суви камайиб кетади. Тожикистон ССРдаги Катта Ҳисор каналидан секундига 10 кубометргача етказиб сув олиш йўли билан бу камчилик жуда оз даражада тўлдириб борилмоқда.

Бироқ, Сурхон дарёси ўзанида баландлиги 30 метр бўладиган тупроқ тўғонни қуриш йўли билан Жанубий Сурхон сув омборини (унга 800 миллион кубометр сув сиғади) битказиш Сурхон дарёси ҳавзасида суғоришни ривожлантириш проблемасини тамомила ҳал этиб беради. Бу тадбир ва етти йилликда қуриладиган бошқа суғориш системалари салкам 90 минг гектар янги ерни ўзлаштириш имкониятини тўғдиради. Бундан ташқари Учқизил сув омборини қуриб битказиш, коллектор-зовур ва суғориш шаҳобчаларини қайта қуриш ҳамда ривожлантириш ишлари олиб борилади.

Шунингдек, Шўрчи районида майда сув омборлари қурилади. Денов районида ерларни ва аҳолини Қизил сув сойининг тошқинидан сақлаш тадбирлари қурилади.

Хоразм области

Хоразм областида ерлар асосан Амударёдан сув ичади. Сув етарли, лекин ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмон бўлганлиги ва Хоразмдаги каналлар дарёдан бир меёрда сув олиб турмаслиги орқасида суғоришни ривожлантиришга ҳалал етмоқда.

Областда етти йилликда ҳаммаси бўлиб салкам 30 минг гектар ер ўзлаштирилади. Бироқ, коллектор-зовур шохобчаларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш

ҳамда бу шохобчалар учун мустаҳкам ташламалар вужудга келтириш етти йилликда мўлжалланган энг муҳим ишлардандир. Шунинг учун Дарёлик ва Озерний коллекторларининг иккинчи навбати қурилади. Ана шу тадбирлар област учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, катта ҳажмда ишлар қилишни ва кўплаб пул маблағлари сарфлашни талаб этади.

Сизот сувларни областнинг ташқарисига чиқариб юбориш масаласини батамом ҳал қилиш учун маълум вақт талаб этилишини назарда тутиб, кўп ҳолларда муваққат тадбирлар кўриш яъни чуқур коллекторлардаги сувни баландроқ ўрнашган сув иншоотларига насос билан чиқариб юбориш кўзда тутилмоқда.

Туямўйин тўғонини ва ундан тараладиган бирлаштирувчи канални қуриш Хоразм областидаги суғориш системаларининг дарёдан нормал сув олиб туришини таъминлайди. Бироқ, яқин йиллар ичида фақат Туямўйин, Тошсоққа ва бошқа каналларни қуришгина мўлжалланади. Туямўйин каналининг сув оладиган иншооти ҳам тўғонсиз бўлади.

Бундан ташқари Хоразм областида Амударёнинг тошқин сувларидан муҳофиза этувчи йирик истеҳкомлар қурилади.

Сув хўжалигидаги энг йирик объектларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Жанубий Хива ва Ғозовот — Довдон коллекторларини реконструкция қилиш, шу коллекторлардаги зовурларни реконструкция қилиш ҳамда Девонкўл ва Янгибозор коллекторларидаги зовурларни кўпайтириш, Гурлан районида ёпиқ зовурлар қуриб, зовурлар шохобчасини реконструкция қилиш ва кўпайтириш, Қиличбой каналдан сув оладиган иншоотларга дарвоза қуриш, суғориш шохобчаларида балчиқ кириб қолишини камайтириш учун ҳамда тозалаш ишларини қисқартириш мақсадида каналларнинг бошида кўп миқдорда сув тиндиргичлар қуриш, Қулобод, Қумёб, Қирғизёб каналларида сувнинг ерга шимилишига қарши тадбирларни амалга ошириш ва ҳоказо.

Қорақалпоғистон АССР

Мавжуд ер ва сув ресурслари жиҳатидан Қорақалпоғистон АССР, Хоразм областига ўхшаса ҳам, ундан шу нарса билан фарқ қиладики, бу автоном республи-

када ўзлаштириш анча осон бўлган ер массивлари бир-мунча кўпдир.

Республиканинг энг асосий вазифаси суғориш системаларининг техника ҳолатини тубдан яхшилаш ишларини бажаришдир. Бу вазифа етти йилликда диққат марказида турмоғи керак.

Аввало, каналларга сувни тартибга солиб турувчи гидротехника иншоотлари қурилиши керак. Чунки ҳозирги вақтда каналга берилган сув пастга қараб деярли назоратсиз оқмоқда ҳамда каналлардаги техника нуқсонлари сабабли кўпинча этакдаги ерларни кўллатиб юбормоқда. Юқори тарафдаги экинларни эса қури-тиб қўймоқда.

Қорақалпоғистонда бетон тайёрлаш учун шағал билан қумнинг йўқлиги, шунингдек йўлларнинг камлиги гидротехника қурилишини ривожлантиришга халақит бериб келди, ҳозирги вақтда Қўнғирот орқали темир йўл ўтказилди, кўплаб автомобиль йўллари қурилди. Бунинг натижасида гидротехника иншоотлари қуришни кенг авж олдириш имконияти туғилди.

Тахиатош тўғони, жанубий районлар учун эса Туя-мўйин гидроузели Қорақалпоғистон АССРда сув олишни тубдан яхшилаши мумкин. Бироқ яқин йилларда ана шу иншоотлар қурилгунча Қизкетган ва Ленин номли каналларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш йўли билан сув олишни яхшилаш мўлжалланмоқда. Пахта арна каналли учун унинг иккинчи сув олувчи бош иншооти қурилмоқда. Бундан ташқари тифиз вақтларда бош иншоотларда ва каналларда сузиб юрувчи насос станциялари ишлайдиган бўлади. Хоразмдаги каби Қорақалпоғистон АССРда ҳам ерлар шўрхок бўлиб ҳар йили ювиб туришни талаб қилади. Шу сабабли коллектор шохобчаларини ривожлантириш соҳасида катта ишлар қйлинади. Бу айниқса Тўрткўл, Бируний, Қўнғирот ҳамда Амударё районларига тааллуқлидир. Ана шу районларда ер кўп бўлишига қарамай, коллектор-зовур шохобчалари мутлақо етарли эмас.

Хоразм областидаги каби Қорақалпоғистон АССРда ҳам ҳар йили суғориш шохобчалари қумлоқдан жуда кўп меҳнат сарфлаб тозаланмоқда. Шунинг учун каналларнинг бошига сув тиндиргичлар қуриш ҳамда бу иншоотларни вақти-вақти билан гидравлик ва механик

усулда тозалаб туриш керак. Бу ҳам яқин йиллар ичида амалга ошириладиган муҳим вазифадир.

Қорақалпоғистонда етти йилликда ҳаммаси бўлиб салкам 50 минг гектар янги ер ўзлаштирилади.

* * *

Шуни айтиш зарурки, Ўзбекистонда суғориладиган ер майдонларини кенгайтириш соҳасида белгиланаётган вазифалар тўла бажарилибгина қолмай, ортиғи билан ҳам бажарилиши керак. Қолхоз ва совхозларнинг ўз территорияларида қўшимча ер ва сув ресурсларини қидириб топиш, уларни ўзлаштириш ҳамда шу ҳисобга қўшимча миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва аввало пахта, гўшт, сут ва шу кабилар етиштириш устида олиб борадиган ишлари бунинг асосий резервидир.

Қолхоз, совхоз, районларнинг етти йиллик план топириқларини муддатидан олдин бажариш учун курашни кенг авж олдириб юборганликлари шундай қилиш мажбуриятини юкламоқда ҳамда Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни шараф билан бажариш имкониятига эга эканликларидан далолат бермоқда.

На узбекском языке

Е. И. ОЗЕРСКИЙ
член общества

РАЗВИТИЕ ОРОШЕНИЯ
В УЗБЕКИСТАНЕ

Объединенное издательство
„Кизил Узбекистон“, „Правда Востока“
и „Узбекистони Сурх“
Ташкент — 1959

Таржимон Қ. Узоқов Редактор Т. Пўлатов
Техн. редактор В. Зубовская
Корректор С. Набиев

Теринга берилди 18/VI-1959 й. Босишга рухсат этилди 12/VIII-1959 й.
Қоғоз формати 84×108^{1/32}. Физ. листи 1,5. Шартли босма листи
2,46. Нашриёт ҳисоб листи 2,47. Тиражи 13200. Нашр. № 171.
P07559. Заказ № 3038. Баҳоси 60 тийин.

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“ ва „Ўзбекистони Сурх“
бирлашган нашриёти ва босмаҳонаси. Тошкент. „Правда Востока“
кўчаси уй № 26.

